ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ДЖУРАЕВ МУҲАММАДРИЗО МАМУРОВИЧ

ЁРМУҲАММАД ЁРИЙ ВА УНИНГ АДАБИЙ МЕРОСИ

10.00.02 – Ўзбек адабиёти
(филология фанлари)

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ ОЛИШ УЧУН ЁЗИЛГАН
ДИССЕРТАЦИЯ

АВТОРЕФЕРАТИ

Фарғона – 2021

Қўлёзма ҳуқуқида
УЎК: 821.512.133-3
КБК: 83.3(5)
Д-83

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам

Contents of the abstract of dissertation on doctor of philosophy (PhD) on philological sciences

Джураев Муҳаммадризо Мамурович
Ёрмуҳаммад Ёрий ва унинг адабий мероси..... 4

Джураев Муҳаммадризо Мамурович
Ярмуҳаммад Яри и его литературное наследие ……...…... 28

Djuraev Muhammadrizo Mamurovich
Yormuhammad Yori and his literary legacy ..……...57

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works…….…….60

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.3.PhD/Fil.955 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қўқон давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fdu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Сиддиков Мўминжон, филология фанлари номзоди, доцент
Расмий оппонентлар:	Тожибоева Муқаддасхон Абдурахимовна филология фанлари доктори, профессор
	Дехконов Акромжон Қодирович, филология фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги DSc.03/30/12/2019. Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «7» июль соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси 19. Тел: (99873) 244-44-29; факс: (99873) 244-66-03; e-mail: fardu_info@umail.uz).

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (128 рақами билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси 19. . Тел: (99873) 244-44-02).

Диссертация автореферати 2021 йил «24» июнь куни тарқатилди.
(2021 йил «24» июнь даги 33 рақамли реестр баённомаси).

А.А. Қосимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

М.Т. Зокиров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол.ф.н., доцент

А.Ғ. Сабирдинов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси филол.ф.д, доцент

Сканировано с CamScanner

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида мумтоз ва ҳозирги замон адибларининг ҳаёти ҳамда адабий мероси, улар яратган бадиият дурдоналари мунтазам ўрганилмоқда. Жамият тараққиётининг алоҳида босқичларида ижод қилган адабиёт аҳллари адабий жараёнда фаол иштирок қилганлиги, ўз асарлари билан ижтимоий-сиёсий муҳит манзарасини тўлақонли акс эттирганлиги, асарларининг ғоявий йўналишлари, мавзу кўлами, жанрлар тизими, тимсол ва қаҳрамонлар талқинида сифат жиҳатдан юксалиш бўлганлиги кўзга яққол ташланади. Ўтмиш адабий–маданий ҳаётидаги етакчи ижтимоий фикр ва тамойилларни давр руҳига мослаб, амалиётга тадбиқ этиш шу жиҳатдан муҳим амалий аҳамиятга эга.

Дунё адабиётшунослигида мумтоз адиблар ва уларнинг асарларини матншунослик ва манбашунослик, адабиёт тарихи ва тарихий поэтика аспектларида тадқиқ этиш жараёни изчил давом этмоқда. Чунки жаҳон илм-фани бугунги кунга келиб, глобал дунёда мумтоз адабиёт намуналарига янада кўпроқ таяниши, адабий-бадиий, адабий-тарихий, диний-маърифий меросни тарихий-қиёсий, тарихий-типологик, герменевтик методларда баҳолаши зарурий вазифалардан ҳисобланади. Мумтоз адабиёт вакиллари яратган дунёвий, диний-маърифий асарларни нафақат адабий-генетик асослари, шакли ва услуби жиҳатидан кенг таҳлил қилиш, миллий маданият ҳамда маърифатнинг муҳим бўғини сифатида композицион, структур-семантик, жанрий жиҳатларини атрофлича тадқиқ этиш мухим илмий-назарий аҳамиятга эга.

Бугунги кунда халқимизнинг маданий-адабий меросини ўрганиш, хусусан, Қўқон адабий муҳити шоирларининг асарларини турли аспектларда тадқиқ этишга эътибор кучайди. Шунга қарамай, бу адабий муҳитда баракали ижод қилган яна бир қатор қалам аҳлларининг ҳаёти ва адабий мероси, асарларини ўрганишда фаол истеъмолда бўлиб келган интерпретация воситаларига мурожаат қилиш, бадиий матн маъно қатламларини халқимизга янада яқинлаштириш адабиётшуносликнинг муҳим вазифасига айланди. “...адабиёт халқнинг юраги, элнинг маънавиятини кўрсатади. Бугунги мураккаб замонда одамлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланиш керак[1]”. Шунинг учун Қўқон адабий муҳити шоирларининг асарларини тадқиқ этиш муҳим вазифалардан саналади. Жумладан, шоир, таржимон, Ёрмуҳаммад Ёрий ҳаёти ва адабий меросини ўрганиш мазкур муҳит муаммоларини ҳал этишга муайян даражада ойдинлик киритади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”, 2017 йил 7 февралдаги

[1]Ш.М.Мирзиёев Тошкентдаги Адиблар ҳиёбонини очиш чоғида сўзлаган нутқидан. Халқ сўзи” газетаси // 2019 йил 20 май.

ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”, “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган маҳаллий ва глобал вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қила олади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий ва маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ёрий Муқимий, Фурқатларга замондошгина бўлиб қолмасдан, улар билан дўст, маслакдош бўлган, Завқий, Наййирий, Қорий, Ҳазиний, Зорийлар қатори уларнинг адабий мажлисларида фаол иштирок этган. Ўн саккиз ёшларидан шеърлар машқ қила бошлаган шоир Навоий, Лутфий, Фузулий, Машраб, Увайсий, Ҳувайдо, Амирий, Махмур, Ғозий, Соқиб, Мажзуби Намангоний, Фурқат, Ҳазиний, Қорий, Ҳаким Яйфоний, Шавқий, Азимхожа эшон, Мухлис, Жавдат, Жалолиддинларнинг[2] ғазалларига ўзбек тилида, Жомий, Қосим Анвор,[3] Ҳофиз, Ҳилолий, Зебунисо, Жалолиддин Румий (Шамс Табризий) шеърларига форс-тожик тилида мухаммаслар боғлаган. Анъанавий ва замонавий мавзуларда кўплаб ғазаллар ёзган, мухаммаслар битган, мувашшаҳлар айтган, таърих ва муаммолар ижод қилган. Ёрмуҳаммад Ёрийдан бизгача 1903 йилда кўчирилган дастхат девон, 1940 йилда тартиб берилган қўлёзма баёз, “Қасидаи бурда” ва “Мавлуди шариф” таржимаси етиб келган. Шунингдек, Темур Фаттоҳ сўзбошиси билан 1945 йилда нашр қилинган мўъжаз девон (шеърий тўплам) бор. Турли хил нашрларда унинг ижодидан намуналар берилган.

Ёрийнинг ҳаёти ва ижодига муносабат 1943 йилдан бошланган. Ўша пайтларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг масъул котиби бўлган

---

[2] Жалолиддин Азим хожа авлодидан. – М.Д.

[3] Қосим Анвор форс-тожик тилида ижод қилган. Бироқ девондаги мухаммас ўзбек тилида. Бизнингча, Ёрий аввалига форсий ғазални таржима қилиб олиб, сўнгра унга тахмис қилган кўринади. Девонда, афсуски, таржима нусха кўзга ташланмади. Шу сабабли биз мухаммаснинг ўзини ҳавола қилишни лозим топдик. – М.Д.

Ҳ. Олимжон шоир Чархий (А.Ҳамроев)га кичик бир хат йўллаган бўлиб,[4] унда Чустий билан биргаликда Ёрийнинг уйида бўлгани, асарлари билан танишгани, муҳим аҳамиятга молик шеърлари мавжудлигини қайд этгани ҳолда, бир неча кун ичида уларни кўчириб чиқиш ҳамда ёзувчилар уюшмасига юбориш вазифасини юклаган.[5] Мазкур вазифа Чархий томонидан бажарилгандан сўнг, орадан икки йил ўтиб, Темур Фаттоҳнинг сўзбошиси билан Ёрий шеърлари "Девон" номи остида беш минг нусхада чоп этилган.[6]

Ёрий ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумот П.Қаюмовнинг "Тазкираи Қаюмий"сида учрайди[7]. Бу манбада шоир ҳақида мухтасар сўз юритилган. Унда Ёрийнинг Қўқонда таваллуд топгани, Навоий, Фузулий, Бедил асарларини чуқур ўрганганлиги, 1875 йилда уйланиб, ҳозирги Ўзбекистон туманидаги Даҳанақақир қишлоғига кўчиб боргани, бир баёз девони мавжудлиги, Муқимий, Фурқатлар билан бирга ҳамнафас бўлгани, Алишер Навоийга эргашиб шеърлар ёзгани, Махмурнинг "Хапалак" ғазалига мухаммас айтгани каби маълумотлар билан бирга, бир ғазали ва Навоийнинг "Қаро кўзум" ғазалига мухаммаси ҳавола этилган.

Шунингдек, П.Қаюмовнинг "Хўқанд тарихи ва унинг адабиёти" номли китобида[8] тазкирадагига қараганда бирмунча тўликроқ маълумотлар ҳавола қилинган. Унда ёзилишича, "Ёрий ижодий иш билан 70 йилдан зиёд иштиғол этади. 40 мингдан байтдан кўпроқ шеър ёзади". [9]

Ёрий ҳақида яна бир маълумот Собир Абдулланинг "Мавлоно Муқимий" роман-хроникасида учрайди. Роман-хрониканинг бир лавҳасида шоирлар йиғилиши ҳақида сўз боради. Шу ерда бир яширин мушоира юзага келади. Бу мушоира даврада ҳозир бўлган шоирларнинг таъби назми мақомида баён этилган ва бунда ҳам асосий эътибор Ёрийга қаратилган. [10]

Ўзбек совет энциклопедиясида ҳам Ёрий ҳаёти ва ижоди борасида мухтасар мақола берилган эди. Унда Ёрий Хўқандийнинг қаерда ва қандай оилада таваллуд топгани, қайси шоирлар билан ҳаммаслак бўлгани, унинг

---

[4] Ушбу хат ҳозирда Қўқон Адабиёт музейида сақланади. Хатни ҳеч ўзгаришсиз айнан нусхасини келтирамиз: "Қадирли ўртоқ Чархий. Мен ўртоқ Чустий блан бирга шоир ЁРИЙнинг уйида бўлдим. Биз унинг асарлари блан танишдик. Ёрийнинг шеърлари ичида муҳим аҳамиятга эга бўлган асарлар бор. Шунинг учун Ўзбекистон Совет Ёзувчилар Союзи Сиздан унинг уйига бориб, бирнеча кун ичида шоир Ёрийнинг барча асарларини кўчириб чиқишингизни ва 10 кун ичида бизга юборишингизни сўрайди. Каганович район райком секретари Шапиро сизга керак бўлган барча ёрдамни беради. Ўзбекистон ёзувчилар Союзининг масъул секретари (имзо) Ҳ. Олимжонов. 17/ VII- 43 г."

[5] Бизнингча, Чархий домла шоир Ёрий девонини тўла ҳолда кўчирган чиқар. Лекин бу кўчирма-қўлёзма девонни архивлардан топа олмадик. Балки Чархий шоир Ёрий қўлёзмасидан ўзига маъқул келган ва давр мафкурасига жавоб берадиган шеърларнигина кўчирган бўлиши ҳам мумкин. Акс ҳолда, Темур Фаттоҳ нашрида шеърлар бунчалик кам бўлмас эди. Ҳолбуки, шоир Ёрийнинг адабий мероси, 40 минг (баъзи бир манбада 50 минг) байтдан зиёд эканлигини П.Қаюмов ва Т.Фаттоҳлар кўрсатиб ўтганлар. Бироқ бизнинг текширув ва изланишимиз натижаси ўлароқ, шоирнинг шеърлари миқдори салкам 8 минг байтдан сал ўтяпти, холос. Назаримизда, шоирнинг қолган адабий мероси йўқолган кўринади. – М.Д.

[6] Ёрий. Девон. –Тошкент:Ўздавнашр, 1945.–Б.56.

[7] Қаюмов Пўлотжон Домулло.Тазкираи Қаюмий. 2-китоб. –Тошкент: 1998. – Б.318-321.

[8] Қаюмов П. Хўқанд тарихи ва унинг адабиёти (материаллар ва хотиралар). / Нашрга тайёрловчи А.Қаюмов. –Тошкент: "Тамаддун", 2011.– Б.212-217.

[9] Иқтибос П.Қаюмовнинг мазкур бўлган нашрдаги китобидан олинди. Нашрга тайёрловчи уни тайёрлашда ўша пайтдаги имло ва услубни сақлаб қолган. Шунинг сабабидан матнда бугунги имло ва услуб ҳамда пунктуацияга мос келмайдиган ўринлар бор. – М.Д.

[10] Абдулла С. Мавлоно Муқимий (бадиий лавҳалар). Тошкент: Бадиий адабиёт нашр., 1965.- Б.63-65.

адабий мероси ва ижод намуналари ҳақида, шеърларига хос мундарижавий йўналишлар борасида сўз юритилган. [11]

Ёрий ҳаёти ва ижодига оид хабар ёки мақолалар 1945 йилдан то 1980 йилга қадар даврий нашрларда эълон қилингани маълум эмас. Аммо 1980 йил аввалига келиб, бу борада айрим бир мақолалар кўрина бошлаган. Буларнинг аксарияти ўз даврида Қўқон адабий муҳитининг зукко тадқиқотчиси А. Мадаминовга тегишли бўлган.[12] А.Мадаминов томонидан аниқланган Алишер Навоий ғазалларига боғлаган 15 та мухаммаси ва унинг "келмади" радифли ғазалига Ёрий назираси газетхонларга етиб борган.

Ёрий авлодлари ҳам матбуотда унинг ҳаёти ва ижодига оид мақолалар эълон қилганлари маълум. Бунда Ёрийнинг чевараси Эркинжон Ҳаёнбой ўғлининг хизматини алоҳида эслаш мақсадга мувофиқ.[13]

Узоқ йиллар ўрта мактабларда ўқитувчилик қилиб она тили ва адабиётдан дарс берган Т.Пирназар бир мақоласини чоп эттиради. Ушбу мақолада ҳам Ёрий ҳақида юқорида келтирилган далиллар такрорланган. Муаллифнинг айрим мулоҳазалари эса ҳужжатларга эга эмас.[14]

Ёрмуҳаммад Ёрий ҳақида бошқа ёзма манбаларда маълумот ёхуд қайдлар учрамайди. Унинг шеърларини илмий муомалага киритиш ҳамда ворисларига қайтариш зарурати Қўқон адабий муҳитининг эътибордан четда қолиб келаётган кўпсонли шоирлари, ҳеч бўлмаганда, улардан биттаси олдидаги бурчимизни сал бўлса-да уза олишимиз мумкинлигини кўрсатади.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Қўқон давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг "Қўқон адабий муҳити ижодкорларининг ўзбек адабиётида тутган ўрни" мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ёрийнинг ҳаёт йўли, илмий биографиясини яратиш, адабий меросини, шеърларининг манбаларини аниқлаш ва ўрганиш орқали уларнинг ғоявий-бадиий хусусиятлари ҳамда шоир маҳоратини илмий асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ёрмуҳаммад Ёрийнинг араб ёзувидаги қўлёзма девони ва баёзини табдил этиш;

унинг илмий биографиясини тиклаш ва баҳо бериш;

---

[11] Ўзбек совет энциклопедияси 4-том. –Тошкент: 1973. Б.240. Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида, афсуски, Ёрий ҳақидаги мақола тушириб қолдирилган. – М.Д.

[12] Булар: 1). Мадаминов А. ва Валихонов М. Навоийнинг икки ғазалига мухаммас. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси 14.2.1986 йил; 2) Мадаминов А. Аллома ғазалхон. Ўзбекистон туманининг "Пахтакор" газетаси. 31.7.1982 йил.; 3) Мадаминов А. ва Турдалиев А. "Меҳнат байроғи" газетасида Ёрий таваллуд куни муносабати билан яна бир мақола. 10.2.1988 йил; 4) А.Мадаминов Навоий ғазалига мухаммас. Мақола ва шеър намунаси. Ўзбекистон тумани "Пахтакор" газетаси. 16.12.1990 йил.

[13] Ўзбекистон туманида чиқадиган "Халқ овози" газетасининг 1993 йил 14 август сонида "Номингиз ўчмайди, бобожон!", "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасининг 1995 йил 10 март сонида "Ёрий Ҳўқандий" номли мақолалари эълон қилинган. Мақола билан шоир шеърларидан намуналар ҳам берилган. Бу шеърларнинг ўнга яқини юқорида зикр этилган Ёрийнинг шеърлар тўпламига киритилган. – М.Д.

[14] Пирназар Т. Ёрмуҳаммад Ёрий ва унинг авлодлари. "Яйпан овози" газ. 2008. Октябрь.

шеърлари ва таржима асарларининг ғоявий йўналишларини анъанавий тадқиқ усуллари ҳамда жаҳоний андозалар асосида илмий асослаш;

Ёрий девонидаги шеърларнинг жанрлар спецификаси, уларнинг бадиий қурилишига хос анъанавий ва янгича шаклларни тадқиқ этиш.

шоир асарлари поэтикаси - бадиий тасвир унсурларининг шеърларининг ғоявий жиҳатларидаги вазифасини кўрсатиш;

шоир шеърларининг қофия ҳамда вазн хусусиятларини аниқлаш;

Тадқиқотнинг объекти. Ёрмуҳаммад Ёрийнинг қўлёзма девони ва қўлёзма баёзи[15], ўтган асрнинг ўрталарида нашр этилган мўъжаз тўплам[16], баёз ва тазкираларда[17] берилган намуналар тадқиқот объекти қилиб олинган, шунингдек, қиёслар учун Амирий, Фурқат, Муқимий, Муҳаййир, Зорий, Ҳазинийларнинг[18] айрим шеърлари таҳлилга тортилган.

Тадқиқотнинг предметини Ёрмуҳаммад Ёрий девонидаги турли жанр ва мавзу йўналишларидаги шеърлар, таржималар ва девон ҳамда баёзлардан танлаб олиниб, қиёслаш учун жалб қилинган бир неча жанрдаги шеърларнинг таҳлили асосида кўпроқ адабиётшунослик, қисман эса матншунослик ва манбашунослик аспектида тадқиқ қилиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот амалга оширишда қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик, аналитик ва комплекс усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ёрмуҳаммад Ёрийнинг ҳаёт йўли тегишли манбалар ҳамда биографик метод асосида муайян тизимга солинган ва қўлёзма девон, баёз ва тазкиралардаги адабий мероси аниқланиб, дастхат девони табдил қилинган ва таҳрирга тортилган, Ёрий шеъриятининг йўналишлари дунёвий, уҳровий, тасаввуфий, риндона, ҳажвий мавзуларда бўлганлиги асосланган;

Ёрмуҳаммад Ёрий мухаммаслари ҳамда татаббуъларининг мазмунан теран ва шаклан мукаммаллиги, айниқса, бирор бир шоирнинг ғазалига аввалига тахмис боғлаб, кейин шу тахмис йўлида мутлақо янги мухаммас ёзганлиги ёки бирор ғазални таржима қилиб, шу мавзу, шаклда ғазал битганлиги далилланган;

шоир шеъриятининг жанр қурилишида мумтоз шеъриятда фаол истеъмолда бўлган шаклларни истифода этиш билан бирга, қатор лирик жанрлар композициясида ислоҳ ясаганлиги, шунингдек, араб ва форс тилларидан қилган таржималарида асл матнда илгари сурилган ғояларни ўзбек тилида маҳорат билан ёритганлиги очиб берилган;

Ёрий шеъриятида диний ва дунёвий шеърларда учрайдиган бадиий тасвир воситаларидан ташбеҳ, истиора, тазод, талмеҳ, таъдид, ийҳом, тажнис, такрирнинг қатор турлари ва бошқа бадиий тасвир усулларидан моҳирона

---

[15] Ёрмуҳаммад Ёрий. Қўлёзма девон. Абу Райхон Беруний номидаги Қўлёзмалар институти. Инв. р. 9358.

[16] Ёрмуҳаммад Ёрий. Девон. ЎзССР Давлат нашриёти, 1945.

[17] Қаюмий П. Тазкираи Қаюмий. –Т.: 1998.; Хўқанд тарихи ва унинг адабиёти (материаллар ва хотиралар). / Нашрга тайёрловчи А.Қаюмов. Т.: “Тамаддун”, 2011.

[18] Амирий. Девон. I жилд. / Нашрга тайёрловчилар Е.Очилов ва З. Қобилова. Т.: “Тамаддун”, 2017.; Фурқат. Танланган асарлар. Т.: “Шарқ”, 2016; Муқимий. Танланган асарлар. -Т.: “Шарқ”, 2016; Муҳаййир. Девон / Нашрга тайёрловчи А.Деҳқонов. -Т.: “Муҳаррир”, 2010; Ҳазиний. Девон. / Нашрга тайёрловчи О.Жўрабоев. -Т.: “Тамаддун”, 2013. Зорий. Қўлёзма девон;

фойдаланганлиги, ҳазаж бахрининг бир неча тармоғида ғазаллар ёзгани, рамал, мунсареҳ, мужтасс, шунингдек, мураккаб вазнлардан комил каби ўнга яқин бахрда шеърлар битгани, шулар орқали Ёрий мумтоз шеъриятда ноёб истеъдод эгаси эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ёрийнинг ўзбек мумтоз адабиётида тутган ўрнига баҳо берилган ва унинг ўзбек мумтоз адабиётининг етук вакилларидан бири эканлиги исботланган;

Ёрийнинг адабий мероси қўлёзмалар, баёзлар ва жорий нашрлар асосида ўзаро қиёсланиб, муайян тизимга солинган;

асарларининг ғоявий йўналишлари, уларга хос поэтик хусусиятларни аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўйилган масаланинг аниқлиги, чиқарилган хулосаларнинг қиёсий-тарихий ва аналитик, комплекс таҳлил усули билан асослангани, Ёрий шеъриятиининг мазмуний ва шаклий жиҳатларини ёритишда ишончли назарий манбалардан фойдаланилган ҳолда талқин ва таҳлил этилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, Ёрий шеърияти юзасидан чиқарилган назарий хулосалар, Қўқон адабий муҳити шоирлари ижодида маънавий-маърифий ғоялар, ўзбек адабиёти тарихида шеърий жанрларнинг тараққиёт тамойиллари, шеърий асарларнинг мазмуний ҳамда шаклий тадрижининг ўзига хос йўллари ва қонуниятларини белгилаш ҳақидаги нуқтаи назарлар ўзбек адабиёти тарихи, ўзбек адабиётшунослиги тарихи, адабиёт назарияси, матншунослик ва манбашунослик, тасаввуф ва мумтоз поэтика асослари фанларининг ривожига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мумтоз шеъриятнинг мавзу йўналишларини тушуниб етиш, истифода қилинган сўз ва тимсолларнинг рамзий маъноларини теран англаш, улардаги зоҳирий ва ботиний маъноларни фарқлаш, мумтоз жанрларга хос шаклий белгиларни ажрата билишга кўмаклашиши, келгусида яратиладиган илмий тадқиқотлар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади, шунингдек, таълимнинг турли босқичларида ўқув қўлланма вазифасини бажариши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ёрмуҳаммад Ёрий ҳаёти ва ижодини ўрганиш тадқиқи юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

шоир шеъриятининг жанр қурилишида мумтоз шеъриятда фаол истеъмолда бўлган шаклларни истифода этганлиги, қатор лирик жанрларда ислоҳ ясаганлиги, шунингдек, араб ва форс тилларидан қилган таржималарида асл манбада илгари сурилган ғояларни ўзбек тилида маҳорат билан ёритиб берганлигига оид натижаларидан ModeHED - “Институт ва университетларда соғлиқни сақлашга оид фанларни модернизациялаш” (2015-2018) номли халқаро лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 24 декабрдаги 89-03-5487-сон маълумотномаси). Натижада, ўзбек тили ва

адабиёти ҳамда педагогика-психология таълим йўналишларида адабиётшунослик назарияси, адабиётшуносликка кириш, матншунослик соҳасини ўқитишнинг самарадорлиги ошган;

Ёрмуҳаммад Ёрийнинг дастхат девонини табдил, таҳрир ва тадқиқ қилиш жараёнида шеъриятининг йўналишлари уҳровий, тасаввуфий, риндона, дунёвий, ҳажвий мавзуларда бўлганлиги, мухаммаслари ҳамда татаббуъларининг мазмунан теран ва шаклан мукаммаллиги, айниқса, бирор бир шоирнинг ғазалига аввалига тахмис боғлаб, кейин шу тахмис йўлида мутлақо янги мухаммас ёзганлиги ёки бирор ғазални таржима қилиб шу мавзу, шаклда ғазал битганлиги билан янгиликлар қилганлигига оид хулосалардан 2003-2007 йилларда бажарилган “Умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида ўзбек тили ва адабиёти фанларини ўқитишнинг инновацион методлари” мавзусидаги Ф–7.2.1 (ПФИ-1 фундаментал тадқиқотлар бўйича) рақамли фундаментал лойиҳаси” номли халқаро лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 24 декабрдаги 89-03-5487-сон маълумотномаси). Натижада, таълим жараёнида ижтимоий, сиёсий, ахлоқий, маданий, маърифий муаммолар ечимини топиш усулларидан тўғри ва самарали фойдаланишга эришилган;

Ёрийнинг адабий меросини қўлёзмалар, баёзлар ва жорий нашрлар асосида ўзаро қиёсланиб, муайян тизимга солиб чиқиш ва тадқиққа тортиш натижасида унинг асарларини илмий муомалага киритилганлиги ҳақидаги мулоҳазалардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг “O’zbekiston tarixi” телеканалининг “Тақдимот” лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2020 йил 16 сентябрдаги 02-40-855 сон маълумотномаси). Натижада, мазкур лойиҳа ҳамда кўрсатувнинг илмийлиги ва оммабоплиги таъминланган.

Ёрмуҳаммад Ёрийнинг ҳаёт йўли тегишли манбалар ҳамда биографик метод асосида муайян тизимга солинганлиги, қўлёзма девон, баёз ва тазкиралардаги адабий мероси аниқланиб, дастхат девони табдил қилиниб, таҳрирга тортилганлиги, Ёрий шеъриятининг йўналишлари дунёвий, уҳровий, тасаввуфий, риндона, ҳажвий мавзуларда бўлганлигига оид хулосалардан 2019-2020 йилларда ЎзМТРК “Ўзбекистон” телерадиканали ДУК “Бедорлик”, “Таълим ва тараққиёт” эшиттиришларининг сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган. (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 15 январдаги Ўз 10-9-10 сон маълумотномаси). Натижада, Қўқон адабий муҳити ва унда Ёрийнинг ўрни, унинг Муқимий, Фурқат, Муҳаййир ҳамда бошқа шоирлар билан ижодий алоқаларини ёритиш муаммолари ҳақидаги илмий хулосалар билан бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация иши натижалари 11 та, жумладан, 2 та халқаро 4 та ОАК тасарруфидаги журналларда, 1 та чет элда, 4 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 11 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий

аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та, хорижий журналда 1 та мақола чоп этилган.

Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация матни 162 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, предмети ва объекти аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотнинг биринчи боби "**Ёрмуҳаммад Ёрийнинг ўзбек адабиётида тутган мавқеи"** деб номланиб, дастлабки **"Ёрмуҳаммад Ёрий илмий биографиясини яратиш ва унинг асосий тамойиллари"** фаслида шоир таржимаи ҳоли тикланган ва биографик тамойиллар асосида унга баҳо берилган. Ёрмуҳаммад Ёрий (1853-1944 йилларда яшаб ўтган) нашъу намо топган давр, шоир шахси, ижодининг босқичлари назардан ўтказилса, бу зот бир-биридан тамомила тафовут қилувчи уч хил ижтимоий-сиёсий-маданий муҳитда яшаб ижод қилгани маълум бўлади. Унинг ҳаёт йўли ва яратган бадиият дурдоналари янги ўзбек адабиётининг маърифатчилик даври, жадид адабиёти ва шўролар салтанати замонлари кесимларига тўғри келади. Бироқ унинг на ҳаёт йўли, на ижодининг умумий йўналишида бу эврилишларнинг таъсири сезиларли даражада кўзга ташланмайди. (Тўғри, шўравийлар даврида шоир ўнга яқин замонасоз шеърлар битгани маълум.- М.Д.) Бизнингча, унинг маънавий эътиқоди ва умумбашарий маслакларга эътимоди болалик ва ўсмирлик йилларида шаклланган мезонлардан ўзгаришсиз, то умрининг поёнига қадар бир хил кечган кўринади. Холбуки, у эътиқоди шаклланган даврларда маърифатчилик ғояларини инъикос эттирган шеърлари билан танилган давраларда кўп бўлган, жадидчилик оқими ва унинг ўзига хос тарғибот адабиёти, газета ва журналлари чоп этилган паллаларда девон тузиш даражасига етган шоир бўлиб танилган, шўро тузуми даврида эса замонасоз шеърлари билан давр адабиёт аҳлларининг эътиборига тушган. Шундай бўлса ҳам, Ёрий Қўқоннинг бир четроқ ҳудудида динга хизмат қилиб, камтарона ҳаёт кечирган, асосий маслаги ва амалидан ташқари, ёзган шеърий асарлари билан эл назарига тушган.

Ёрмуҳаммад Ёрийнинг ҳаёти ва адабий фаолиятига айрим манбаларда йўл-йўлакай мурожаат қилинган. Биз у ҳақидаги манбалар ва ижодининг намуналарини тўплаш жараёнида шоирнинг таржимаи ҳолига доир далилларни муайян тизимга солишга уриндик (1-жадвал).

Диссертацияда, асосан, П.Қаюмовнинг “Тазкираи Қаюмий”сидаги[19] материалларга таяниб, унинг таржимаи ҳоли тикланган. Айни пайтда, ундаги маълумотлар бошқа манбалардаги маълумотлар билан солиштирилган. Буларга кўра, Мулла Ёрмуҳаммад Мулла Жаъфар ўғли – Ёрий 1853 йилнинг апрел ойи ўрталарида Қўқон шаҳридаги Сармозор даҳасига қарашли Бузрукхўжа маҳалласида маҳсидўз-косиб оиласида дунёга келган. Унинг отаси асли чустлик бўлиб, тақдир тақозоси билан Қўқонга кўчиб келган эди. Мулла Жаъфар ўқимишли, хат-саводли, ўзига тўқ одамлар тоифасидан бўлган. У савдогарлик билан ҳам машғул бўлган ва кейинчалик оёқ кийими дўкони очганлиги маълум. Мулла Жаъфар ўғли Ёрмуҳаммаднинг дастлабки саводини ўзи чиқарган. Саккиз ёшга кирганда эса маҳалласидаги Мадрасаи Бузрукхўжага бериб ўқита бошлайди. Бўлажак шоир мадрасада ўқиш вақтида Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр”ини, Шайх Саъдий ва Хўжа Ҳофиз Шерозийлар, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Фузулий, Бобур, Бедил, Машраб каби Шарқнинг улкан шоирлари, алломалари меросини қунт билан ўрганган. Ёрий 1875 йилда Даҳанақақир қишлоғидан (ҳозирги Ўзбекистон туманида) уйланган ва шу қишлоққа кўчиб кетган. Бу ҳақида Пўлотжон Домулло Қаюмов бундай ёзади: “…1875 йилда ҳозирги Ўзбекистон туманидаги Даҳанақақир деган қишлоқдан бир қизга уйланиб, шаҳардан кўчиб кетмишдур. Шунда боғ, боғчалар тарбия этиб, деҳқончилик ила нашъу намо этмиш”.[20]

Мулла Ёрмуҳаммад ота касби – маҳсидўзлик билан шуғулланган, дурадгорлик ҳам қилган, деҳқончилик билан машғул бўлган. Шунингдек, 40 йил (Даҳанақақир қишлоғида 20 йил, Туюл қишлоғида 20 йил) масжид имоми вазифасини бажарган.

Ёрий ўз замонасининг оқил кишиларидан бўлган. Тазкирада Ёрийнинг ташқи қиёфаси ва жисмоний ҳолати хусусида шундай маълумот келтирган: “…Ҳаётининг сўнгги йилларида қулоғи кар бўлиб қолган эди. Очиқ дала ҳовлисида, баҳаво жойда яшаганидан заиф жуссали эмас эди. Буртиқ юзли, буғдайранг, серсақол, кўзлари қора, ўткирга ўхшаш киши эди”.[21] Шунингдек, ниҳоятда нозиктаъб, очиқ кўнгил, софдил, мулойим, катталар билан катталарча, кичиклар билан болаларча муносабатда бўлар эди.[22]

Умрининг охирларида Ёрий ҳам давр тазйиқига учраган. Шоир айтган бир байт *(“Ҳаммага кенгдур жаҳон, Ёрийга тордур жаҳон, Ҳаммада бордур ватан, Ёрийда йўқдур ватан”)* шеъри учун анча вақт қувғинликда яшаган.

Ёрийнинг адабиётга бўлган меҳри жуда эрта уйғонган. У мадрасадалик вақтида Шарқ адабиёти намуналарини қунт билан ўрганган. Айниқса, Навоий, Фузулий асарларини яхши мутолаа қилган, шеърлар машқ қила бошлаган. “… Навоий, Фузулий, “Мантиқ-ут тайр” ила Бедил ул вақтда усули қадим мактабларида стабил китоблар эрди. 18 ёшидан бошлаб чала-чулпа шеърлар

[19] Қаюмов Пўлотжон Домулло. Тазкираи Қаюмий. 2-китоб. –Тошкент: 1998.–Б.318-321.
[20] Шу манба. –Б. 318-321
[21] Шу манба. –Б. 318-321
[22] Шу манба. – Б. 318-321

ёза бошлайди”.[23] Замонасининг пешқадам шоирларидан Муқимий, Фурқат, Завқий, Наййирий, Қорий, Зорий кабилар билан дўстлашиб, уларнинг адабий давраларида фаол иштирок этган. Ёрий Муқимий билан ижодий ҳамкорликда бўлган. Манбаларда “Кетиб”, “Ит ҳақида” ҳажвияларини икки шоир ҳамкорлигининг самараси сифатида баҳоланади. Шарқ анъанавий шеъриятининг ғазал, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, муаммо, таърих, таржеъбанд-достон, таркиббанд, қабиҳ-у малеҳ каби жанрларида баракали ижод қилган. У Шарқ шоирларидан Жомий, Навоий, Фузулий, Бедил асарларини қунт билан мутолаа қилиб, ўз бадиий салоҳиятини муттасил юксалтириб борган. Бир қатор тиллардан бохабар бўлган шоир салафларига эргашади, уларнинг шеърларига тахмислар боғлайди, татаббуъ ва тазминлар қилади, таржималар амалга оширади.

Ёрий Қўқондан кўчиб кетгач, “Шаҳарга алоқаси шоирлардан Муқимий, Фурқат, Насриддин ила бўлмишдур…”, - деб ёзилган эди тазкирада.[24] Дарҳақиқат, Ёрийнинг 1875 йилда Қўқондан Даханақақирга кўчиб ўтиши ижодига ҳам ўз таъсирини ўтказган. Бу шоир ижодида икки хил кўринишда намоён бўлади: биринчидан, тақлидчилик устун бўлса, иккинчидан, шоирнинг ўз йўналишига, услубига эга бўлишига, халқ тилига яқин янги қофия, янги радиф, ўзига хос ифода усулида ижод қила олишига имкон яратган.

Жавдат, Чархий, Мирзахон Хоний, Соид каби шоир ва шоираларга устозлик қилган Ёрий ижодига ХХ аср ўзбек халқининг етук шоирлари Ҳ.Олимжон, академик Ғ.Ғуломларнинг назари тушган. Ҳ.Олимжоннинг Чархийга ёзган мактубида “…Ёрийнинг шеърлари ичида муҳим аҳамиятга эга асарлар бор…” – деб ёзилганлиги шундан.[25] 70 йилдан зиёд бадиий ижод билан машғул бўлган шоир Ёрий Ҳўқандий 1944 йилнинг 6 январида вафот этган ва Даҳнақақир қишлоғидаги маҳалла қабристонига дафн этилган.

Ишнинг кириш қисмида ҳавола қилинган мақолаларда ҳам Ёрий ижоди борасида шу ва шунга яқин маълумотлар мавжуд. Бошқа ёзма манбалар ва шоир ҳақида ёзиб олинган хотиралар ҳам шоирнинг илмий биографиясини тўлдиришда муҳим ўрин тутади.

Диссертациянинг галдаги фасли “**Ёрмуҳаммад Ёрий адабий меросининг манбалари ва асарларининг мундарижаси”** дейилиб, унда шоир асарларининг манбалари ва уларнинг мазмуний йўналиши текширилган. Ёрмуҳаммад Ёрий баракали ижод қилган шоирлар сирасига киради. Ўзининг 70 йилдан ортиқ ижоди даврида 40 минг байтдан зиёд шеърлар битган (яна бошқа бир манбаларда 50 минг байт дейилган ўринлар борлигини юқорида айтиб ўтдик. – М.Д.) шоирнинг барча асарларининг бизгача етиб келганлигига шубҳа бор. Зеро, буларни тўплаш ва текшириш жараёнида шу қадар кўп шеърларнинг муайян кичик бир қисми топилди, холос. Агар шоирнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда турли хил тўнтаришлар бўлиб ўтган долғали замонда яшаб ижод этгани, турли сиёсий талатўплар даврида ўзига тегишли бир қанча китобларни кўмиб юбориб, кейин уларни топа олмагани, айримларини эса

[23] Шу манба. – Б. 318-321.
[24] Шу манба.–Б. 318-321.
[25] Қаюмов П. Кўрсатилган манба ва саҳифа.

кимлардир ўзидан ёхуд қариндош-уруғларидан сўраб олиб, қайтариб бермаганлигини ҳисобга олинса, шоир ижод намуналарининг зикр этилган даражада кўп бўлгани ҳақиқатга анча яқин туради. Аммо буларнинг катта қисми бизга қадар етиб келмаган, деган хулосага бориш ўринлидир.

Ёрийнинг тадқиқот жараёнида аниқланган асарларининг асосий қисми қатор қўлёзма манбалар орқали, бир неча шеърларни ўз ичига олган мўъжаз тўплам ва пароканда ҳолида етиб келганлигини айтиб ўтиш жоиз. Пароканда ҳолида етиб келганлари дасхат девон ва баёзда, муаллифнинг ўзи кўчирган дафтарларда мавжуд. Даврий нашрларда чоп қилинган Ёрий шеърларининг аксарияти дастхат девон ёки баёздан жой олган.

Бизнинг кузатувларимизга кўра шоирнинг асарлари миқдори 662 тани ташкил этиб, уларнинг байтлар бўйича миқдори 7900 та, мисралар бўйича эса 15800 тани ташкил қилади. Булардан ташқари шоирнинг таржима қилинган асарларини ҳисобга олинса, бу миқдор янада ошади. Диссертацияда унинг адабий меросининг манбалари 2-жадвалда ҳавола қилинган.

Ёрий Ҳўқандий ижоди бизга қадар еттита манба орқали етиб келган. Буларнинг тўрттаси қўлёзма ва биттаси кирилл алифбосида 1945 йилда нашр этилган тўплам бўлса, қолгани даврий нашрлар орқали ёки тазкира ва китоблар орқали пароканда ҳолида етиб келган шеърлардир. Буларнинг биринчиси ва асосий мероси бўлмиш дастхат девони Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти қўлёзмалар жамғармасида 9358 рақами билан сақланади. Мазкур дастхат девон 231 варақ – 462 саҳифадан иборат бўлиб, Ёрийнинг соҳиби девон шоир эканлиги кўрсатиши билан ҳам характерланади. Дастхат девонга ғазал, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, таржиъбанд, таркиббанд, муаммо каби жанрлардаги дунёвий, ошиқона ва орифона, ижтимоий ва сиёсий, ахлоқий-диний ҳамда ҳажвий мавзулардаги шеърлари киритилган. Диссертацияда қўлёзмалар ва босма нашрлар тавсифи келтирилган. Айни чоғда, уларнинг мундарижаси жадвал кўринишида тақдим этилган (3-жадвал). Боб бўйича хулосаларда мақсад доирасига киритилган масалалардан келиб чиққан натижалар баён этилган.

Ишнинг иккинчи боби **“Ёрмуҳаммад Ёрий ижодида анъанавийлик ва янгиланиш”** дейилиб**,** унинг биринчи фаслида **шоирнинг шеърлари ғоявий йўналишларини такомиллашдаги маҳорати** масаласи тадқиқ қилинган. Ёрийнинг қўлимизда мавжуд ноёб дастхат девонидаги дастлабки шеърлар анъанавий девончилик талаби билан ҳамд ва наът шеърлардан таркиб топган. Уларнинг барчасида Аллоҳнинг бирлиги ва борлиги, карами ва қудрати, раҳим ва раҳмонлик сифатлари мадҳ этилган, коинот сарвари Муҳаммад Мустафо (с.а.в.)га чексиз дурудлар, саҳобаи киромлар, чаҳорёрларга мақтовлар билдирилган. Шуниси эътиборлики, мазкур яратиқлар примитив мисралар йиғиндиси эмас, балки Ёрийнинг анъанавий шеъриятнинг нозик сирларидан бохабарлигини далилловчи бадиият унсурлари билан нафосат касб этган мисралар мужассами ҳисобланади. Ёрий мазкурларда уларнинг мазмун ва шаклини ғоят назокат билан уйғунлаштира олган, ва натижада, бу мисралар ўқувчининг шуурига тез етиб борадиган шеърларнинг

пайдо бўлишини таъмин этган. Булар мутолаа қилинганда, яссавиёна услуб ҳам, Қул Убайдий, Азимхожа эшон шеърларидаги усул ҳам ўзаро бирлашиб кетгандек таассурот юзага келади. Шоирнинг айрим ғазалларида ҳамд ва наът мазмуни ўзининг аҳволи руҳияси талқини билан кенгайиб боради. Шу жиҳатдан қараганда, Ёрий "Эй карими корсоз, бул дардима бергил нажот, Эй холиқи банда, бул дардима бергил нажот" матлали ғазали матлаъсидаёқ Яратганга илтижо қилиб, ўз дардига дармон сўрайди ва шу сўровни радифга чиқаради. Аллоҳ ҳамдини ёритишга бўйсундирилган нажот умидининг радифга чиқарилиши ғазалга алоҳида файз берган. Ғазалнинг иккинчи мисрасида: "Нур кетурдим даргоҳингга лутф айлар чоғ, Қўймағил даври дароз, бул дардима бергил нажот",[26] – дер экан, келтирилган нур солиҳ амаллар эканидан умид қилади. Ёрийнинг узоқ йиллар давомида жомеъларда дин хизматида бўлгани унинг ижодида диний-маърифий шеърларнинг алоҳида гуруҳининг юзага келишига олиб келган. Булар орасида тўлиғича исломий ақидаларга мувофиқ келадиган шеърлари алоҳида ажралиб туради. Айниқса, шоирнинг "ла илаҳа иллаллоҳ" радифли шеъри бу жиҳатдан эътиборга лойиқ. Шуни қўшимча қилиш даркорки, Қуръони карим ва ҳадиси шарифлардан иқтибос ва ақдлар олиниб ёзилган шеърлари ҳам ана шу йўналишга киради. Булар девоннинг ҳамд қисмларини тўлдиради.

Табиийки, ирфоний шеърлар ёзган шоирнинг аксарият ижод намуналари панд-насиҳат мазмунига йўғрилган. Бир мурожаат типидаги ғазалида шоир "Бўлма дунё толиби андин ҳазар айлар мудом, Толиби дунё билингким, бўлса мурдор ўлғуси", деса, яна бир шеърида бевосита исломият ақидаларидан келиб чиқиб, кишиларни ҳамида ахлоққа чорлайди. Ёрий шеърларида панд-насиҳат мотиви Ислом аҳкомини унутган, ўзлигидан мосуво бўлган кишилардан шикоят мотивлари билан уйғунлашиб кетади.

Шоир бисотида сўфиёна ғоялар билан йўғрилган бир қанча шеърлар мавжуд. Унинг "ўлса бас", "айламас", "бермасман" радифли ғазалларида тасаввуф таълимотига тегишли сўз ва бирикмаларнинг катта галереяси уюшган. Масалан: дунё ва васли дилдор, мажлиси майхона, кўзи ҳумор, ишқ, дилраболар мажлиси, зуннор, ашё, сурати сийрот, соқий, мушки анбар, дашти ғам, фалак, аҳли суҳбат, фақир, жанда, гўшайи ишқ, муҳаббат аҳли ва х. Ёрий ғазалиёти ва мухаммасларида анъанавий тарзда Ишқ мавзуси устувор бўлган шеърларида ошиқ маъшуқани мадҳ этувчи бир аҳли дил сифатида кўзга ташланади. Ишқ мавзуси фалсафий ва ижтимоий моҳияти билан шоирнинг реал ҳаёт ва ухровий олам ҳақидаги концепцияси, айни пайтда эса, шулардан келиб чиқадиган реал ижтимоий позициясини намоён қилади. Ушбу ҳолат бу манзумларнинг зулмаънайинлиги, яъни зоҳирда дунёвийлик, ботинда ухровийлик касб этишига олиб келган. Диссертацияда шундай шеърлардан бир нечтаси таҳлилга тортилган.

Ёрий лирикаси, шубҳасиз, ўтмиш адабиётимизда ривожланиб келган зоҳирий ишқни тараннум этган тафриқага ҳам алоқадор. Дунёнинг турфа

[26]Ёрмуҳаммад Ёрий. Дастхат девон. Ўз ФА ШИ Қўлёзмалар фонди. Инв. рақами 9358. Б.25-а варақлар.Бундан кейин мисоллар шу манбадан олинди ва саҳифаси катта қавсда берилди. – М.Д.

манзаралари, ёр, ошиқ, унинг изтироби ва туйғулари, кечинмалари, машуқанинг бепарволигидан тортиб, ошиқнинг, яъни муҳибнинг қийналишларига беэътиборликлари каби йўналишлар Ёрий лирикасининг асосий унсурлари сифатида кўзга ташланади. Ёрийнинг дунёвий лирикасидаги маъшуқа Шарқ анъанавий шеъриятидаги шундай образлардан реал воқеликка яқинлиги билан ажралиб туради. Шоирнинг васф типидаги шеърларида Навоий, Маҳтумқули, Ҳувайдо, Ҳазиний, Муқимий, Алмаий, Фурқат, Ҳамза каби шоирларнинг таъсири яққол сезилади. Шуниси борки, Ёрий салафлари ва замондошлари қўллаган тасвирий йўлларга бошқачароқ руҳ беради. Ғазалларнинг лисоний тизими ўзгарибгина қолмай, шеърларнинг ҳажми ҳам кенгайиб борган. Чунончи, ушбу ғазал мураддиф бўлиб, радифга “учрадим” сўзи чиқарилган. Ғазалда мўъжаз диологлар ҳам истифода этилган. Бу диологлар ҳам шеърнинг умуммазмунига мувофиқ тушиб, унинг умумғоясини реал турмушга яқинлаштирган. Ғазалнинг матлаъсида лирик қаҳрамоннинг оҳ уриши, нолайи афғондаги ҳолатини икки маънода тушунмоқ керакка ўхшайди. Негаки, ғазалнинг умумйўналиши, ундаги васф этувчи сўзларнинг муайян тизим сифатида ўринлашиши ва мисраларга янгича тасвирий ифодаларнинг киритилиши айни шундай хулоса чиқаришга изн беради. Матлаъда мазкур ҳолат бундай шаклланган:

Оҳким, сарви сиҳиқад дилрабога учрадим,
Муштариваш, зуҳратарз қоши қарога учрадим. [112-а]

Кейинги байтда муштариваш, зуҳратарз, қоши қаро маъшуқа сифатлари “Юзлари хуршид талъат, кўзлари бодомтар, Хуш малоҳат, дилбари нозик адоға...” тарзида тўлдирилади. Байтларда маъшуқа васфи навоиёна, фузулиёна, фурқатона тасвирлар билан зийнатланган.

Ёрийнинг бу каби шеърларида халқона тасвирлар анъанавий усуллар билан уйғунлашиб, полифоник характер касб этган ҳамда васф йўналиши қаҳрамон руҳияти тасвири билан қўшилиб, талқиннинг кучайиб боришини таъминлаган. Ғазалда истифода этган маъшуқанинг ташқи қиёфасини тасвир этувчи ашёлар (кийим-кечаклар) унинг қаддига қанчалик ярашганлиги баён этиш билан ҳам ҳаётийлик, реалликни кучайтиришга эриша олган. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, бу билан шоир ғазалдаги Шарқ аёлларига хос миллийликни таъминлашга, маъшуқа хаёлий инсон эмас, балки лирик қаҳрамон яшаётган заминнинг бир фарзанди, ошиқ билан шу заминда яшаб, шу ҳаводан нафас олаётган оддий хилқат эканлигини кўрсатиб берган.

Хуш ярашган қоматиға, хуш ярашган ҳуллалар,
Хипча бел, нозик ниҳол, қадди расоға учрадим.
Арғувон ранглик юзи, рахш олмадек рухсораси,
Ранг-баранг кийган либоси, гул қабоға учрадим. [112-а]

Шоир Ёрийнинг бу каби анъанавий йўлларда битилган ғазаллари кўп. Чунончи, унинг “Боқиб қоламан ҳайрон ул моҳи мунавварга, Май ичмага ўлтурса, ўхшар майи ахмарга” матлаъли ғазалида риндона фикрлар халқона тасвирлар билан қоришиб, ошиқнинг ҳам, маъшуқанинг ҳам ҳоли аҳволини реал баён этишга тўла хизмат қилади:

Ошуфта қилиб қўйдинг, олифта бўлиб юрдим,

Манзур бўламанми деб сандек пари пайкарга.[8-б]

Шоирнинг “Тополмасман” радифли шеърида ҳам ана шу ғоя устуворлик қилади. Ғазалнинг матласидаёқ мазкур ғоянинг моҳияти очилади. Зоҳирий ишқнинг қаҳрамон руҳиятига таъсири кўзга яққол ташланади:

Кўнгул дардини айтурга бирор маҳрам тополмасман,
Ҳокими ҳозиқ истаб дардима малҳам тополмасман. [125-а]

Бобнинг навбатдаги фасли “**Мухаммас, татаббуъ ва таржималар - Ёрий издошлиги намуналари”** деб номланган ва унда шоирнинг издошлиги, адабий алоқаларнинг унинг бу туркум шеърларига таъсири ҳамда шоирнинг янгича изланишлари хусусида сўз боради. Мухаммасчиликнинг икки тури – тахмис ва хос мухаммас яратиш бобида Ёрий баракали ижод қилган. Агар Ёрий мухаммасларининг миқдори 211 та эканлиги, бу шоир шеърларининг умумий миқдорининг салкам 45 % ини ташкил этишини ва 121 та тахмис, 90 та хос мухаммас ёзганлигини ҳисобга олсак, унда издошлик анчайин кучли бўлганини эътироф этишга тўғри келади. Унинг салафлари ва замондош шоирлар ғазалларига боғланган мухаммаслар диссертациядаги 4- ва 5-жадвалда кўрсатилган. Шоир Алишер Навоий, Амирий, Муқимий, Жомий, Фузулий, Зебунисо ва бошқаларнинг ғазалларига ўзбек ва тожик тилларида мухаммаслар битганлигини ҳар икки жадвал тасдиқлайди. Айниқса, Алишер Навоийнинг 50 дан зиёд ғазалига битган тахмисларида Ёрий маҳоратининг ўзига хос қирралари кўзга ташланадики, шоир бу мухаммаслар мисолида Алишер Навоийга издошлиги анчайин чуқур бўлганлиги, ўз тахмисларини навоиёна мазмун ва шакл билан бойита олганлиги кўринади. Навоийга эргашиш натижасида пайдо бўлган бу шеърлар икки тамонлама аҳамият зуҳр этади: бир томондан, улуғ шоирнинг айрим шеърларининг мазмун моҳиятини такроран ўрганишга кўмак берса, бошқа тамондан, Алишер Навоий ғазалиёти ва унда кўтарилган мавзунинг умрбоқий эканлигини яна бир карра тасдиқлайди. Хусусан, “Қаро кўзум” ғазалига боғланган тахмисда Навоий одамгарчиликни одат қилган ҳолда ошиқ кўзининг қаросида паноҳ топишни истаса, Ёрий маъшуқа лаъли лабини Яман хуққаси сингари тасаввур ва тасвир қилиш, сочининг чигалини худди арқондек зуннор қилиб белига боғлашини, шу орқали ошиқнинг вужудида пайдо бўлган ишқнинг куйдирувчи, телбавор қилувчи бедаво дардига шифо топишга интилишини баён этади. Алишер Навоий байтида маъшуқа минган отига ошиқнинг бағир қонидан хино боғлаши, итига эса ошиқ жонининг ришталаридан арқон ясаши илтижо қилинса, Ёрий тўғридан тўғри ўзини маъшуқанинг итлари қаторида кўради ва маъшуқадан ошиқ кўксига жафо ўқини отиб, юракни доғлаши ва кўнгул жароҳатини қон оққунча тирноқлашини илтижо қилиш билан Навоий байтидаги мазмунни янада кучайтиради:

Итинг қаторида ошиқларингни солмоғла,
Жафо ўқини отиб кўксима, юрак доғла,
Кўнгул жароҳатини қон оққунча тирноғла,
Таковарингга бағир қонидан хино боғла,
Итинга ғамзада жон риштасин расан қилғил. [102-а]

Маълумотларга қараганда, шоир Фурқатнинг ғурбатдаги ҳаётидан баҳс этувчи “нест” (“эмас”) радифли ғазали ёзилгандан кейин, ана шу ғазалга шоирнинг асли ҳиндистонлик бўлган Кошғардаги дўсти Тажаллий шу радиф ва қофияда жавоб ёзган. Айрилиқнинг изтироб ва дардлари мужассамлашган бу 7 байтли тожикча ғазал шоирнинг Қўқондаги дўстлари қалбида акс-садо берган. Муқимий, Муҳйи ва Маҳмуд Яйфонийлар ушбу ғазалга жавоб битган эканлар.[27] Шуниси эътиборлики, татаббуъ-жавобияларнинг аксарияти тожикча бўлгани ҳолда, Ҳаким Яйфонийнинг назираси ўзбек тилида битилган. Буни бир томондан назира дейишга ҳам асос йўқдек туйилади. Чунки Ҳаким Яйфоний назирасининг икки байти Фурқат байтларининг айни таржимаси бўлса, яна икки ё уч байти ўзига хос эркин таржима кўринишини олган. Тўғри, А.Турдалиев ёзганидек, Ҳаким Яйфоний жавобиясида янгидан икки байт ҳам мавжуд. Қолаверса, ҳар икки шоирнинг кўтарилган масалага муносабатида жузъий фарқлар ҳам йўқ эмас.[28] Бизнинг кузатишимизча, Ёрий айни Ҳаким Яйфонийнинг жавобия ғазалига мухаммас битган кўринади. Чунки Ҳаким Яйфоний ғазали 9 байт бўлгани каби, Ёрий мухаммаси ҳам 9 банддан иборат. Мухаммаснинг 4-, 5- мисралари Маҳмуд Ҳаким ғазалининг айнан ўзи. Хатто Ёрий Ҳаким Яйфоний янгидан қўшган икки байтга ҳам мухаммас боғлаган. Мухаммаснинг барча бандларида ғурбатда ғариб бўлган инсон қалбининг оҳу зорлари гоҳ авж пардаларда, гоҳида эса нисбатан босиқлик фонида, баъзиларида иккала ҳолатнинг уйғунлигида берилгани кузатилади. Фурқат ғазалининг матласи қуйидагича:

Кўҳканро теша чун аз оби ҳайрат тез нест,
Шаҳди Ширин жуз ба коми Хусрави Парвез нест.[29]

Ҳаким Яйфоний бу байтни ушбу кўринишда таржима қилган:

Кўҳканга теша чун ҳайрат суйидин тез эмас,
Шаҳди Ширин ғайри коми Хусрави Парвез эмас.[30]

Ёрий мухаммасининг дастлабки банди эса тубандагича:

Шамснинг кулгусидек олам ҳама гулрез эмас,
Зар сочар афшон қилурда бўйи анбаррез эмас,
Ҳуққадин дурлар сочар лаъли лаби қирмиз эмас,
Кўҳканга теша чун ҳайрат суйидин тез эмас,
Шаҳди Ширин ғайри коми Хусрави Парвез эмас. [76-б]

Бошқа шоир шеърига татаббуъ битиш анъана. Бироқ ўзи боғлаган мухаммасга яна татаббуъ битиш камдан-кам учрайди. Ёрмуҳаммад Ёрий шоир Фурқатнинг “кам-кам бўлур” радифли ғазалига тахмис айтгани ҳолда, ўзи битган тахмисга ўхшатма ҳам ёзган. Ўз вақтида Фурқатнинг юқорида радифи келтирилган ғазалига шоир Муҳаййир ҳам тахмис боғлаган. Адабиётшунос А.Деҳқонов “Муҳаййир ҳаёти ва ижоди”[31] номли тадқиқотида Муҳаййир томонидан Фурқатнинг “кам-кам бўлур” радифли ғазалига

[27] Бу ҳақида қаранг:А.Турдалиев. Фурқатнинг бир тожикча ғазали ва унга жавоблар. Фурқат ижодиёти (Мақолалар тўплами). - Т.: Фан, 1990. – Б. 150-153..
[28] Шу китоб. Б.153.
[29] Фурқат. Танланган асарлар. 1-том. Т., 1960. – 211-бет.
[30] Девони Ҳакимий. Ғ.Ғулом номидаги Қўқон адабиёт музейи фонди. Инв. рақами 1440. – 35б -36а варақлар.
[31] Деҳқонов А.Қ. Муҳаййирнинг ҳаёти ва ижоди. НД, Т.: 2007. Б.86.

боғлаган мухаммасини атрофлича таҳлил қилган. Агар Муҳаййир ва Ёрий мухаммасларининг охирги бандлари солиштирилса, айрим тафовутлар борлиги англашилади. Муҳаййир охирги бандда фақат “дўстлар” сўзини радифга чиқарган. Ёрий эса “деб таъна қилманг, дўстлар” дея радифни кенгайтирган. Бу кенгайиш банднинг мазмунини ҳам теранроқ бўлишига олиб келган. Аввало, Муҳаййир бандида лирик қаҳрамоннинг изтироблари бирмунча хусусийлик касб этган бўлса, Ёрий бандида хусусийлик умумийлик томон силжиб борган. Яна, шоирнинг Ҳофизнинг тўлиқ тарду акс ғазалини таржима қилгани, кейинчалик шу таржимага татаббуъ қилган ажойиб ғазал ҳам битгани, Навоийнинг “Келмади” радифли ғазали йўлида ёзган шу радифли ғазали, Фурқатнинг “бормасмиз” ғазалига, Муқимийнинг бир неча ғазалларига (масалан “айрилмасун” радифли ғазали) ёзилган назиралари ва улардаги оригиналлик шоирнинг бу борадаги салоҳияти, иқтидори юксак бўлганидан дарак беради. Чунончи, шоир Хўжа Ҳофизнинг “Дилбари жонони ман, бурд дили жониман, Бурд дили жониман, дилбари жонони ман”[32] матлаъси билан бошланадиган ғазалини аввал маҳорат билан таржима қилган, сўнгра шу таржимага татаббуъси Ҳофиз ғазали сингари тўлиқ тарду акс санъати билан зийнатланган. Диссертацияда Ҳофиз, ғазали билан Ёрий татаббуси, шунингдек, шу ғазалнинг Ёрий ва Сирожиддин Саййид таржималари қиёсланган. Ёрий бирор ғазалга мухаммас боғлаш жараёнида илҳомининг жазбаъсида худди шундай ғазал ёки мухаммас битгани ҳодисасини алоҳида таъкидлаш мумкин бўлади.

Тадқиқотнинг сўнгги боби **(“Ёрий шеъриятида жанрлар спецификаси ва уларнинг поэтикаси”)**да шоир шеърлари жанрларининг бадиий қурилиши хусусида сўз борган. Бобнинг биринчи фасли “**Ёрий Хўқандий шеърияти жанрларининг бадиий қурилиши**” деб номланган. Ёрий девонида анъанавий мазмун ва шаклдаги шеърлар ҳам, шакл ислоҳи инган манзумлар, халқ қўшиқлари шаклига мос байтлар ёки бандлар ҳам учрайди. Табиийки, бу ҳолат шоир услубининг шаклланиб, қарор топиб, мукаммаллик касб этиб боргани билан боғлиқ.

Ёрий дунёвий ёр қиёфасини яратишда анъана ва янги усулларни уйғунлаштирган ҳам шу тимсол орқали киши кўз ўнгида реал қаҳрамоннинг дилбар қиёфасини ярата олган санъаткор ҳисобланади. Шу сабабли

Боқиб қоламан ҳайрон, ул моҳи мунавварга,
Май ичмага ўлтирса, ўхшар майи аҳмарга. [8-б]

Ёки:

Қошимдан ўтди бир дилбар қиёлаб,
Сарву санобардек қаддин расолаб. [17-а]

Ёки:

Боғ аро кўрдим ажаб гулғунчаким,
Турмадим ул ғунча очилгунчаким.[33]

[32]Хожа Ҳофиз. Мунтаҳаби девон. Сталинобод, 1957. Б. 445. Мазкур ғазални адабиётшунос О.Давлатов томонидан 2013 йилда амалга оширилган Ҳофиз девонида учратмаганимиз сабабидан эски нашрга мурожаат қилдик. – М.Д.

[33] Ёрмуҳаммад Ёрий. Девон. ЎзССР Давлат нашриёти, 1945. Б.33.

каби оригинал сатрлар Ёрий девонида жуда кўп учрайди. Яна бир ғазалида шоир қайтариқлар асосида янгича бир тасвир ва тавсиф усулини намоён қилган:

Ошиқ бўлиб, ошиқ бўлиб, мен кўйи жонон истарам,
Кўнгил бериб, кўнгил бериб, кўнгилни улён истарам.

